



11.01.2022 даги

Гулистон Нефтбаза МЧЖ ва Гулистон туман Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 8888740,30 сўм  
умумий суммага тузилган №38 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\*

Боб \_\_\_\_\_ 110 \_\_\_\_\_  
Шахсий ғазна ҳисобварақ \_\_\_\_\_ 100022860242207065200110001 \_\_\_\_\_

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252500			
Январь	2 250 314,00			2 250 314,00
Февраль	2 250 314,00			2 250 314,00
Март	4 388 112,30			4 388 112,30
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>8 888 740,30</b>			<b>8 888 740,30</b>

Жами 8888740,30 сўм

Саккиз миллион саккиз юз саксон саккиз минг етти юз қирқ сўм  
30 тийин  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_\_% \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 *дан у довоми* ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



*(Signature)*  
(имзо)

Муратиллаев Батир Абдуразақович

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

*(Signature)*  
(имзо)

Гаффаров Турғун Разақович

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БОШҚА КОРХОНАЛАРГА  
НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА  
ШАРТНОМА**

2022 йил “ 11 ” ои \_\_\_\_\_

№ 38 \_\_\_\_\_

Сайхунобод тумани

Кейинги матнларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Гулистон нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан устав асосида фаолият юритувчи директори Х.Туйчиев бир томондан ва кейинги матнларда “Истеъмолчи” деб аталувчи Гулистон тумани Ободот қаштириш базаси номидан И.Имом асосида фаолият юритувчи раҳбари Б.Муратшиев иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги (автобензин, дизел ёнилгиси, мой маҳсулотлари ва бошқа турдаги нефт маҳсулотларини (кейинги ўринларда нефт маҳсулотлари деб юритилади)) нефт маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада (спецификацияда) кўрсатилади.

### 2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси 888 8740,30 (сони) миллион (сони) ўзбекистон соми ташкил қилади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ-4664-сонли қарорига асосан “Етказиб берувчи” томонидан бюджет ташкилотлари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшахартрансхизмаг” АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёнилгиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёнилгиси) қарорда кўрсатилган вақтдаги биржа савдолари натижаларига қўра шаклланган ўртacha биржа нархлари бўйича нефт маҳсулотини сотиб олиш, ташиб келтириш ва нефт база устамаси қўшилган ҳолда сотилади. Мазкур корхоналарга бошқа турдаги нефт маҳсулотлари етказиб берилиши нефт базада шаклланган нархларда сотилади.

2.3. Ушбу шартноманинг 2.2.-бандидан ташқари бошқа барча корхона ва ташкилотларга етказиб бериладиган барча турдаги нефт маҳсулотлари нефт база томонидан биржа савдолари орқали нефтни қайта ишлаш заводларидан сотиб олиш, ташиб келтириш харажатлари ҳамда нефт база устамаси қўшилиб шаклланган нархларда сотилади.

2.4. “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмасини олган заҳоти етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 банк куни ичида амалга оширади. Акс ҳолда “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни қўллаши мумкин.

2.5. Нефт маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгартирилган кундан бошлаб келгусида ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига янги нархлар қўлланилади. Нарх ўзгарган кунгача харид қилинган, лекин “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ФЭТШ, АЁҚШдан олиб кетилмаган нефт маҳсулоти қолдиғига нисбатан ҳам янги нарх қўлланилади.

2.6. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловни “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

### 3. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”нинг оморидан ёки унга қаршли ФЭТШлар орқали “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100 фоиз амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нухаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг махсус автотранспортда белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари оморига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефт база оморига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг қуйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун “Етказиб берувчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар (“Истеъмолчи”нинг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Етказиб берувчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида, ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан сўнг амалга оширилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида “Етказиб берувчи” томонидан “Истеъмолчи”ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

3.6. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг тасарруфида бўлган ФЭТШ ва АЁҚШлар орқали тегишли рухсатномалар билан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда етказиб берилиши ҳам мумкин.

### 4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. “Етказиб берувчи” томонидан “Истеъмолчи”га етказиб берилган нефт маҳсулотлари бевосита “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан қабул қилинади. Етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олишда “Истеъмолчи” вакили шартномада ёки шартнома иловасида кўрсатилган миқдорда ва сифатда шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар, нормативлар ва йўриқномалар асосида амалга оширади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда АЁҚШ ва ФЁТШларда расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зидан етиш хавфи “Етказиб берувчи” омбори ёки АЁҚШ, ФЁТШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

## 5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи” га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## 6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 0,1 фоизи миқдоридан жазима тўлайди.

6.3. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Етказиб берувчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 0,1 фоизи миқдоридан жазима тўлайди ва “Етказиб берувчи” олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.4. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўламаганда “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6.6. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжаларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни тақлиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қургокчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Агар “Истеъмолчи” бюджет қорхонаси, ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий фазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради (рўйхатдан ўтказиш “Истеъмолчи” зиммасида бўлади) ва 2022 йил 31 декабрь якунига қадар амал қилади.

## 9. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“Етказиб берувчи”

“Истеъмолчи”

“Гулистон нефт базаси” МЧЖ  
Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани,  
Ёшлик кўрғони.

х/р: 22604000700469737701

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Яшнаобод филиали  
МФО: 00432, ИНН: 200323074

*Давлат муҳим объектлари*  
*тегишли объектлари*

Манзили: *Авкорова й*

х/р: *10002226024220806520010001*  
*Шоҳмат ш қармағи* банк

МФО: *00014* ИНН: *206946387*

Директор:

Х.Туйчиев

М.Ў

Юрист:

М.Ў.



**"Гулистон нефт базаси" МЧЖ билан Гулистон туман ободонлаштириш бошқармаси ўртасида 2022 йилда нефт махсулотлари етказиб бериш тўғрисида тузилган**


2022 йил " 11 " феврал даги 38 -сонли шартномага

**СПЕЦИФИКАЦИЯ**

№	нефт махсулотлари номи	1 тонна нархи	Улчов бирлиги	Жами 2022 йилга		Шу жумладан чораклар бўйича							
						1		2		3		4	
				тн	сумма	тн	сумма	тн	сумма	тн	сумма	тн	сумма
1	Дизел ёнилғиси ЭКО	11251570,00	тн	0,790	8888740,30	0,790	8888740,30						
	<b>ЖАМИ:</b>			<b>0,790</b>	<b>8888740,30</b>	<b>0,790</b>	<b>8888740,30</b>						
<b>Саккиз миллион саккиз юз саксон саккиз минг етти юз қирқ сўм 30 тийин.</b>													

**Таъминотчи:**

"Гулистон нефт базаси" МЧЖ  
 Сайхунобод тумани Ёшлик қургони  
 х/р 22604000700469737701  
 Тошкент ш. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ  
 Яшинобод филиали МФО: 00432  
 СТИР: 200323074 ОКЕД: 46710



**Х.Тўйчиев.**

**Истеъмолчи:**

*Гулистон туман ободонлаштириш бошқармаси*  
*Деккочовор ш Зинкор кўчаси 8 уй*  
*МФВ: 100223002420706520010001*  
*Ўзбекистон ш Марказий банк*  
*МФО: 00014 ШНН 206946387*  
*ОКЕД: 90210*



**Б.Муратиллаев.**

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

1. Loyihaning turi:

Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Guliston tuman obodonlashtirish boshqarmasining “Гулистон нефт базаси” МЧЖ билан oldi-sotdi shartnomasi tuzish to‘g‘risida.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchi va kiritilgan sana haqida ma’lumot:

Guliston tuman obodonlashtirish boshqarmasi, 12.01.2022-yil.

4. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan. Guliston tuman obodonlashtirish boshqarmasining “Гулистон нефт базаси” МЧЖ билан 2022-yil 11-yanvar kuni tuzgan №38-sonli oldi-sotdi shartnomasini qabul qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

**Bosh yuriskonsult**



**D.Abdullayev**

**12.01.2022-yil**